

ЛОТИН ТИЛИ ВА ТИББИЙ ТЕРМИНОЛОГИЯЛАРНИНГ ТИББИЁТДАГИ РОЛИ

Айтмуратова Перхан Генжебаевна

СамДТУ Тиллар кафедраси ассистенти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7587842>

Аннотация. Замонавий тиббиёт мутахассиси учун лотин тилни билиш аҳамиятлидир, негаки ҳозирги фан ва техниканинг жадал ривожланиши ва ҳамда технологияларнинг лотиндан кириб келиши мукамал ва пухта билимни талаб этади. Ушбу мақолада лотин тилидан кириб келган терминлар, илмий тушунчалар, фан, техника ва саноат соҳасида муваффақиятли иш олиб бораётган мутахассис учун терминлар моҳиятини махсус лексика, ёки бошқача айтганда терминологияни тўғри тушуниши ҳамда ундан аниқ фойдаланиши зарурлиги ҳақида сўз кетган.

Кириш. Барчамизга маълумки, ҳозирги кунда педагогик таълим бериш усул ва воситалари кескин ўзгариб бормоқда, яъни тиббиёт институти талабаларига лотин тилларни ўқитиш жараёнида ўқитувчилар замонавий педагогик технология ҳамда ахборот воситаларидан самарали фойдаланиш зарурлигини бугунги кун ҳаёти тақозо этмоқда. Ҳозирги кунда таълим беришнинг фақат анънавий усулларини қўллаш билан самарали натижаларга эришиб бўлмайди. Мамлакатимизда Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, замон талабларига жавоб берадиган меҳнат бозорида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича мақсадли йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Жамият тараққиётини илм-фан ривожисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки илм-фан ишлаб чиқариш, унинг моддий асосини яратиш, технологик ривожлантириш ва энг асосийси-кадрлар билан таъминлаш вазифаларини ўз зиммасига олади. Бундан бир неча йил олдин бирон – бир лотин тилидаги маълумотларни таржима қилиш учун мутахассисларга мурожат этилар эди. Бугун эса ҳар бир тиббиёт олий ўқув юртида пухта билимга эга, малакали лотин тили ўқитувчилари фаолият юритиб келмоқда. Бундан ташқари ўқитувчилари орасида малака ошириш курслари, семинар ва тажриба алмашиш дарслари ташкил қилинмоқда. Шунингдек, ҳар бир олийгоҳда, шунингдек Тиббиёт институтларида ҳамўз эҳтиёжларидан келиб чиққан холда ўқитувчилар учун таътил давомида лотин тилларни ўрганиш курслари ташкил қилинмоқда.

Асосий қисм. Кўплаб таълимотлар: физика, кимё, астрономия ва хусусан анатомия, ботаника ҳамда бутун тиббиёт терминлари учун юнон тили жуда зарур. Ломоносов М. В. Латин тили ва тиббий терминлар асоси биз учун жуда муҳим фан. Шунинг учун авваламбор биз уни ўрганишдан қандай мақсад борлигини, умумий кўринишда унинг ҳажми ва таркибини, тиббиёт ва биологияда бир неча юз йилликлар мобайнида нега айнан латин тили қўлланилаётганини ёритиб олишимиз лозим.

Термин. Илмий тушунча. Фан, техника ва саноат соҳасида муваффақиятли иш олиб бораётган мутахассис учун терминлар моҳиятини махсус лексика, ёки бошқача айтганда терминологияни тўғри тушуниши ҳамда ундан аниқ фойдаланиши зарур. Терминнинг (лот. терминус чегара) асосий вазифаси илмий тушунчани фақат ўзига хос ифодалашдан иборат. Термин сифатида алоҳида яқка сўз (организм, ҳужайра, орган, ген, касаллик, аппендицит, флуорография) билан бир қаторда сўз бирикмаси (кўк рак қафаси, енса суяги, гипертоник касаллик, санитар ишлов бериш, радиацион гигиена) ҳам бўлиши мумкин. Кундалик ҳаётда ишлатиладиган адабий тилнинг оммабоп сўзларидан фарқли ўлароқ терминларда илмий ва илмий-техник тушунчалар ифодаланади. Илмий тушунча о ўзининг илмий назарий хулосалар маҳсулилиги, ма лум бир илмий назария, билимлар илмий тизими фрагментини акс еттириши билан ажралиб туради. Дефиниция, ёхуд таъриф. Кундалик сўзларидан фарқли равишда илмий тушунча дефиниция (лот. дефинитио), ёки қисқа таърифга ега. Дефиницияда илмий тушунчанинг айрим мавжуд белгилари намоён бўлади.

Махсус (терминологик), энциклопедик луғатларда терминлар таърифлар билан бойитилган, мисол учун: Пневмония мустақил касаллик сифатида ёки бирон-бир касаллик асорати сифатида ҳосил бўлувчи ўпка тўқималарининг яллиғланиш жараёни. Мутахассис ҳам, мутахассис бўлмаган шахс ҳам умумадабий тил сўзлари ва сўз бирикмаларидан тенг фойдалансада, мутахассис бўлмаган шахсдан фарқли равишда мутахассис дефиницияга кўра баҳо бериш мумкин бўлган илмий тушунча моҳиятини билади, мисол учун: пневмония, сил, склероз, кардиограмма, стресс ва бошқалар. Илмий тушунча моҳиятини билиш ушбу тушунча (термин) ни бошқаларига боғлаш, фаннинг тушунчалар тизимидан маълум бир ўрин ажратиш демакдир. Дефиницияда фақат маълум бир босқичдагина ушбу боғлиқлик ва ўрин намоён бўлади.

Терминология. Терминлар тизими. Билим, фан соҳасининг маълум бир терминологияси бу тушунчалар тизимида илмий тушунчаларни ажратиб кўр сатиш учун қўлланиладиган, ўзаро маълум бир алоқа ва

боғлиқликда бўлган терминлар, сўзлар ва сўз бирикмалари тизимидир. Терминология доимий ҳаракатда: нимадир ўзгаради, қўшилади, ескиради, таъминотдан чиқади, йўқотилади. Кўплаб қадимдан маъум махсус сўзлар янги илмий таркибга ега болади. Кўплаб қадимдан маълум махсус сўзлар янги илмий мазмун олади. Терминология илм, илмий адабиёт тилининг муҳим ажралмас қисмидир. Нега бир неча юз йиллардан буён ўлик тиллар деб аталмиш гуруҳга мансуб бўлган айнан лотин тили ўлик қадимги юнон тили билан биргаликда ҳали ҳануз тиббиёт ва биология илмий тиллари ривожига фаол таъсир кўрсатиб келмоқда? Ушбу саволга жавоб бериш учун лотин тили тарихи ва унинг тиббиёт ривожланишидаги роли ҳақида танишиб олишимиз зарур. Лотин тили тарихидан. Лотин тили (лингва Латина) ҳинд-Европа тиллари оиласининг италий тиллари гуруҳига мансуб. У узоқ ўтмишда ҳосил бўлган. Дастлаб бу тилда Италия марказидаги Лаций вилоятида истиқомат қилувчи лотин қабиласи (Латини), ҳамда Қадимги Рим аҳли ва милодий II аср бошларида Рим қўл остига ўтган Апеннин ярим ороли ҳудудидаги италий қабилалар сўзлашишган. Мил. XVIII аср ўрталаридан бошлаб лотин тили Рим региони билан бирга янада қадимийроқ маданиятга ега давлатлар Юнонистон, Карфаген, Миср, Сурия ҳамда Европанинг у даврда маданияти кам йерларга кириб борди. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳар бир касбни мукамал эгаллаш касб тилини акс эттирувчи сўзлар ва атамаларни ўрганиш билан бошланади. Билим, фан соҳасининг маълум бир терминологияси – бу тушунчалар тизимида илмий тушунчаларни ажратиб кўрсатиш учун қўлланиладиган, ўзаро маълум бир алоқа ва боғлиқликда бўлган терминлар, сўзлар ва сўз бирикмалари тизимидир. Замонавий тиббиёт терминологияси - бу тизимлар тизими ёки макро-муддатли тизим. Тиббий ва ўрта тиббиёт атамаларининг йиғиндиси, таъкидланганидек, бир неча юз мингга етади. Тиббиёт терминологиясининг мазмун режаси жуда хилма-хил: инсон организмига хос бўлган морфологик шаклланиш ва жараёнлар нормал шароитда ва уларнинг ривожланишининг турли босқичларида патологияларда; одам касалликлари ва патологик ҳолатлар; уларнинг ўтиши шакллари ва белгилари (аломатлар, синдромлар), патогенлар ва касалликлар векторлари; инсон танасига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатадиган атроф-муҳит омиллари; гигиеник тартибга солиш ва баҳолаш кўрсаткичлари; касалликларни диагностикаси, олдини олиш ва терапевтик даволаш усуллари; оператив ёндашувлар ва жарроҳлик операциялари; аҳолига тиббий-профилактика ёрдами ва санитария-эпидемиология хизматларини кўрсатишнинг ташкилий шакллари; тиббий мақсадлар учун

аппаратлар, мосламалар, асбоблар ва бошқа техник воситалар, ускуналар, мебеллар; фармакологик таъсир ёки терапевтик таъсир тамойилига кўра гуруҳланган дорилар; индивидуал дорилар, доривор ўсимликлар, доривор хом ашё ва бошқалар.

Хулоса. Ҳар бир атама маълум бир қўйи тизимнинг элементиدير, масалан, анатомик, гистологик, эмбриологик, терапевтик, жарроҳлик, гинекологик, эндокринологик, суд-тиббий, травматологик, психиатрик, генетик, ботаника, биокимёвий ва бошқалар. Ҳар бир кичик атама қабул қилинган тушунчаларнинг маълум илмий таснифини акс еттиради. ушбу илмда. Шу билан бирга, турли хил қўйи тизимларнинг атамалари бир-бири билан ўзаро алоқада бўлиб, макро-муддатли тизим даражасида маълум семантик алоқалар ва алоқалардадир.

Ҳозирги замон тиббий атамалари – кенг қамровли ва мураккаб атамалардан деб ҳисоблаш мумкин. Бунда бир неча минг йиллик сўзлар ва бирикмалар мужассамлашган. Тиббий ва биологик атамаларда кўп асрлик анъаналарни лотин тилининг ишлатилишида алоҳида аҳамиятга эга. Лотин тилини ўқитиш тиббий атамаларининг асосини ўқитишдан бошланади. Тиббиётда атамалар ишлатилиши жуда муҳим ўринга эга ва бўлажак шифокорлардан ушбу атамалар ва уларни тузилиши, таркибий қисмлари ва сўз ясовчиларни мукамал ўрганишлари талаб этилади.

References:

1. THE ROLE OF INTERACTIVE METHODS IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS

Авторы: Aitmuratova Perkhan Genjebayevna Дата публикации 2022/11/3
Журнал

Web of Scientist: International Scientific Research Journal

2. Maxmudov Z. RETSEPTURADA ERITMALARNING QO'LLANILISHI YUZASIDAN AYRIM MULOHAZALAR //Eurasian Journal of Academic Research. – 2022. – Т. 2. – №. 6. – С. 524-527.

3. Mardanovich M. Z. et al. Some Considerations about Legal Solutions and Practices of Certain Problems Writing Recipes //Annals of the Romanian Society for Cell Biology. – 2021. – С. 5341-5352.

4. Maxmudov Z. M. Lotin tili va tibbiy terminologiyani o'rganishda o'zbek tili grammatikasining o'rni //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 11. – С. 756-759.

5. Mardanovich M. Z. THE PLACE OF PROBLEMATIC AND HEURISTIC METHODS IN THE PROCESS OF TEACHING LATIN AND MEDICAL TERMINOLOGY //Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2022. – Т. 3. – №. 3. – С. 587-591.

6. The role of teaching a foreign language in higher education Авторы: Aytmuratova Perkhan Genjebaevna, Esanova Maftuna Bakhadirovna. Дата публикации 2022/4 Журнал Хоразм маъмун академияси ахборотномаси .Том 2 Номер 4 Страницы 275-279 Издатель Вестник Хореззиской академии Маъмуна Хива-2022

7. PROPOSITIVE STRUCTURE AND SYNTACTIC DEVICES OF SPEECH DERIVATION (<https://giirj.com/index.php/giirj/article/view/1378>)

Авторы: Kurbanova Raxima Abdullaevna Дата публикации 2022/2/28

Журнал Galaxy International Interdisciplinary Research Journal Том10.Номер 2- Страницы 764-768
